# АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

Боши иккинчи бетда.

Навоий асарларида ҳам кўнгил кўзгуси дунёвий истаклар ва мосиво, яъни яратувчи ёдидан бошқа нарсалардан покланиб сайқал топгандан кейин унда илоҳий нур тажаллий қилиши — порлашига муносиб бўлади. У "Хамса"да ("Садди Искандарий") Оллоҳ инсон қалбини илоҳий сирлар хазинаси қилиб, унда тажаллий этгандан кейин, барча фаришталар унга қараб саждага бош қўйдилар, дейди:

**Қилиб кўнглини роз ганжинаси,**
**Юзин айладинг зот ойинаси.**
**Анга айлогач нури ҳуснунг зуҳур**
**Ўқубон малак хайли "Оллоҳу нур".**

Шайх Амин Аловуддин Нақшбандий ўзининг жуда кўп ишонарли манбаларга асосланиб ёзган "Тасаввуф ҳақиқати ва нақшбандия тариқати" номли қимматли китобида Баҳовуддин нима учун "нақшбанд", деб лақаб олганлигини текшириб унинг ота-боболари наққош эканлигига доир ривоятни нотўғри деб ҳисоблайди. Унингча, "нақшбанд"нинг маъноси маънавиятдан келиб чиқади. У қалблар наққоши бўлган, яъни Оллоҳ нақшини ўз муридларининг қалбларида маънавий жиҳатдан нақш қилиб қолдирган. Бир нақшбандий шоир бундай деган эди: *Эй, нақшбандия тариқатида менинг йўлдошим, Ҳақ зикрини қалбингда мустаҳкам ўрнатгин, нақш қилгин.*

Баҳовуддин лақаби "Нақшбандий" эмас, балки Нақшбанддир. Нақшбандий деганда унинг тариқати ёки тарафдорлари тушунилади.

Абдулхолиқ Ғиждувоний, Али Сафий таъкидлашича, хожалар тариқатининг бошловчиси эди. Ушбу тариқат авваллари унга нисбат берилиб хожалар тариқати деб аталарди.

Нақшбандия тарафдорлари айтишларича, бу тариқат илгари ҳазрат Абу Бакрга мансублиги учун "ас-Сиддиқия" деб аталарди, сўнгра Боязид Бастомийга нисбат берилиб "Тайфурия" деб аталган, унинг исми Тайфур бўлган. Ушбу таълимот XIV асрга келиб Баҳовуддин Нақшбанд номи билан уланиб кетиб "Нақшбандия" деб аталган.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ўзининг руҳий сафарларини баён этишда айтиб ўтганидек, руҳий ва маънавий тарбияни Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан олган экан.

Машҳур тасаввуфшунос олим Усмон Турар қайд этишича, Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи, уни "увайсийлик" йўли орқали тарбиялаб, камолга етказган Абдулхолиқ Ғиждувоний бўлади. Бўлмаса, Баҳовуддин билан Ғиждувоний орасида Шайх Самосий, Али Ромитоний, Маҳмуд Анжир Фағнавий ва Ориф Ревгарий туради. Ғиждувоний ва Нақшбанд яшаган даврлар орасида 200 йилдан кўпроқ фосила мавжуд.

Баҳовуддин Амир Кулолдан халифаликни олгандан сўнг Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби яссавий шайхларининг ҳузурида кўп йиллар қолиб улардан касбни илму маърифат этди.

Баҳовуддин Нақшбанднинг манқабатларини ёзган Муҳаммад Боқир, Хожанинг шогирдларидан бири бўлмиш Хожа Аловуддин Аттордан нақл этишича, у бундай деган экан: "Мен олти йил туркий машҳур машоихлардан бири бўлган Халил Ото хизматида бўлдим. Халил Ото (Султон Халил) Мовароуннаҳр подшоҳлигига кўтарилганидан кейин ҳам, олти йил унинг мулозиматида бўлиб хизмат қилдим, шоҳлар хизматида бўлиш одобини ўргандим, уни кўп ҳурмат қилардим, бўшлик пайтида унинг хос маҳрами (суҳбатдоши) мен эдим. У менга баъзан қаттиққўллик ва баъзан эса лутфу марҳамат кўргазарди".

Шу йўсинда Баҳовуддин Нақшбанд ўн икки йил давомида Халил Ото (Султон Халил) билан тасаввуфий муносабатлар-



дан ташқари, энг муҳим дунёвий ишлардан бири, яъни давлатни идора қилишда иштирок этиб, ўз амалий ва ҳаётий фалсафаси учун ўрнак бўлиб келди.

Усмон Турар ифодасича, нақшбандия қуйидаги тўртта асосий қоидага асосланган: шариат йўли билан зоҳирни поклаш, тариқат орқали ботинни поклаш, ҳақиқат йўлидан илоҳий қурб (яқинлик)га эришиш, маърифат орқали Оллоҳга эришиш.

Унинг таъкидлашича, бу тариқат Нақшбанддан кейин Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорғача нақшбандия, Хожа Аҳрордан Имом Раббонийгача нақшбандияи-аҳрория, Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарғача нақшбандияйи-мужаддидия, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холид Бағдодийгача нақшбандияи-мазҳария, Мавлоно Холид Бағдодийдан кейин холидия номлари билан аталиб келган.

XVII асрда Афғонистонга мансуб бир киши "Мужаддиди алфи соний" (Иккинчи мингйилликнинг тикловчиси) ва "Имоми Раббоний" лақаблари билан шуҳрат қозонган шайх Аҳмад Форуқий Нақшбандий Аҳрорий Сарҳиндий нақшбандия тариқатининг бир шуъбаси сифатида "Мужаддидия" тариқатига асос солди. Имом Раббоний 1650 йили Ҳиндистоннинг Сарҳинд минтақасида туғилиб, 1703 йили ҳаётдан кўз юмган. У зоҳирий ва ботиний илмларни ўзлаштиргандан кейин Деҳлига бориб хожалар тариқатининг идомачиси Хожа Муҳаммад Боқий ҳузурига мушарраф бўлади. Шайх Муҳаммад Боқий олти восита билан Хожа Баҳовуддин Нақшбандга етиб борарди.

Имом Раббоний оз муддат ичида ундан кўп нарсаларни ўзлаштириб олиб, нақшбандия тариқатининг ҳомийси сифатида иш бошлади.

Шайх Аҳмад Сарҳиндий ўзининг 535 мактуби мажмуаси (Мактуботи Имоми Раббоний) билан ушбу тариқатнинг шарҳловчиси, ривожлантирувчиси ва тарқатувчиси бўлиб хизмат қилди, унинг кенг кўламда Ҳинд яримороли ва Афғонистонда тарқалиши учун замин яратиб берди. Мактубот китоби айрим тилларга таржима қилиниб катта ададларда нашр этилган, жумладан, 1228 ҳижрийда Тошкент Порцев тошбосмасида ҳам нашрдан чиққан.

Имом Раббоний ўз замонасининг машҳур давлат ва сиёсий арбоблари, ўз халифалари, буюк олимлар ва мутасаввифлар билан кенг алоқа ўрнатиб Ҳиндистондан туриб Афғонистон, Туркистон ва бошқа жойларга мактублар ёзиб турар, турли мавзулардаги мураккаб масалалар, ирфоний ва ақидавий муаммоларни ечиб беришга ҳаракат қиларди. Масалан, 268 мактубини туркистонлик Хожа Муҳаммад Қосим Амканагийга ёзиб, унда нақшбандия тариқатининг бешиги бўлган Мовароуннаҳрда топилган айрим бидъатлар борасида ачиниб сўзлайди.

Афғонистонда нақшбандия таълимоти таъсирини, айниқса, адабиёт соҳасида XV асрдан бошлаб ҳозирги даврагача кўриш мумкин. Масалан, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий шеъриятида, бугунги Афғонистон айрим шоирларининг асарларида ушбу таълимот кенг кўламда ўз аксини топган.

Афғонистонда нақшбандийликнинг ашаддий мухлисларидан бири Қори Муҳаммад Азим Азимий Жўзжоний ўзбек ва дарий тилларининг етук шоири сифатида ўзидан кўп асарлар қолдирган. Унинг шеърлар девони 1993 йили Амир Алишер Навоий Фарҳангий анжумани томонидан Жўзжон давлат матбаасида катта ҳажмда нашрдан чиққан.

Устоз Азимийнинг девонида силсилаи олияи нақшбандияга (нақшбандийликнинг олий силсиласи) атаб бир неча қасида ва қитъа шеърлар мавжуд. Биринчи қасида 28 байт, иккинчиси 52 байтдан иборат. 35 байтни ўз ичига олган учинчи қасида шоирнинг устози нақшбандия вакили халифа Абдулмажид Махдумга бағишланган. Тўртинчиси 16 байтдан иборат бўлиб, Мавлоно Абдулмажид вафоти муносабати билан ёзилган. Бешинчи қасида машҳур халифа Обжўшнинг ўринбосари дарзоблик марҳум Сўфижон халифа — Шимол минтақасидаги нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва халифаси вафоти муносабати билан ёзилган. Шоир уни валилик хазинасининг соқчиси ва нақшбандийлар тариқасининг раҳбари деб мадҳ этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нақшбандия тариқати фақат Ҳиндистон яримороли, Афғонистонда эмас, балки Ироқ, Сурия, Туркия ва Эрон ҳудудларида ҳам кенг кўламда тарқалган. Унинг номи билан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний исми нақшбандия тариқатининг ажралмас бўлаги сифатида ўз мавқеини сақлаб келган.

**Абдулҳаким ЖЎЗЖОНИЙ,**
**юридик фанлар доктори**

# ЧИНҲАЙДА ЯНГРАГАН НАВОЛАР

## Хитойда шеърият байрами

***Шу йилнинг 7—10 август кунлари Хитой халқ республикасининг Чинҳай вилояти маъмурий маркази Синин шаҳрида I-Халқаро "Чинҳай кўли" шеърият фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистондан шоир Фахриёр иштирок этиб қайтди. Қуйида унинг анжумандан олган таассуротлари билан танишасиз.***

*— Жаҳоннинг турли бурчакларида ҳар йили ўнлаб шеърият байрамлари ўтказилади. Бунга Остин (Техас, АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Стокҳолм (Швеция) сингари ўнлаб фестивалларни мисол қилиб келтириш мумкин. I-Халқаро "Чинҳай кўли" шеърият фестивали ташкилотчиларининг айтишича, ҳозирги кунда дунё бўйича олтита нуфузли халқаро шеърият фестивали ўтказилади. Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ушбу фестивал ҳам шулар орасидан муносиб жой олишига шубҳа йўқ.*

*"Чинҳай кўли" анжуманида дунёнинг 26 мамлакатидан 40 нафар, Хитойнинг ўзидан эса 190 нафар, жами 230 шоир қатнашди. "Табиат, инсон ва уйғунлик" шиори остида ўтган ушбу фестивал доирасида мушоара бўлди. Ирландиялик Десмонд Иген, шотландиялик Алан Риах сингари шоирлар фолклор қўшиқларини ашула қилиб айтишди. Аксарият шоирлар ўз шеърларини она тилида ўқиб беришди. Фестивал ташкилотчилари турли тилларда ўқилган шеърларни ҳамда табиат ва инсон муносабатлари мавзуидаги маърузаларни хитой тилида алоҳида китоб қилиб чоп этгани ва тадбир чоғида тарқатишгани айни муддао бўлди. Мен ҳазрат Алишер Навоийнинг бир рубоийсини ўзбек тилида, сўнгра унинг инглиз тилига ўзим қилган маъно таржимасини ва бир шеъримни ўқиб бердим. Бундан мақсад фестивал иштирокчиларига ўзбек тилида шеър қандай жаранглаши ҳақида муайян тасаввур бериш эди.*

*Мушоара чоғида мени ҳайрон қолдирган нарса аксарият верлибр — эркин шеърларнинг ўқилгани бўлди. Тўғри, верлибрни бошқа тилга таржима қилиш осон, бироқ космополитлашиб бораётган бундай шеърлар ўзининг муҳим миллий хусусиятларидан ажралиб қолмаяптимикин?*

*Бундай анжуманларни ташкил этишдан мақсад тамаддунлараро мулоқотни қарор топтиришдир. Бундай чоғда ўзаро тафовутларни акс эттирадиган мавзулар эмас, барча тамаддунлар учун хос умумий мавзулар танланади. Умуман олганда, турли миллат шоирларини ўзаро бирлаштириб турадиган бошқа мавзулар ҳам сероб. Шу маънода, инсоният тафаккурининг ҳосиласи бўлган ҳамда гўзаллик ва муҳаббатни тараннум этадиган шеърият инсонларни табиат билан ўзаро уйғун асосда яшашга даъват қилади. Ўша анжуманда сўз олган қайсидир бир шоир топиб айтганидек, ҳеч бир шоир урушни тарғиб қилмайди.*

*Осмон ва қуёшга яқин деб ҳисобланган, яъни денгиз сатҳидан 2300 метр баланд бўлган Синин шаҳри ва 3600 метр юксакликда жойлашган Чинҳай кўли, кўҳна туркий тилдаги Кўкнор — Кўккўл бўйларида бўлиб ўтган бу тадбирда I-Халқаро "Чинҳай кўли" шеърият фестивалининг Декларацияси қабул қилинди. Унда бугунги глобаллашув ва инсон ҳамма нарсани ўз манфаатларига бўйсундиришга интилаётган замонда инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва маданият ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифаси шеърият зиммасига юклатилади.*




*Албатта, бир қарашда бу кимгадир эриш туюлиши мумкин. Чунки жамият ҳаётининг барча жабҳалари тобора тижоратлашгани сари адабиёт қатори шеърият ҳам ўқувчисидан узоқлашиб бораётган бир шароитда унинг зиммасига бундай глобал вазифа юклаш кулгили туюлади. Аммо шеърият гўзалликни, гармонияни ҳис қилиш воситаси сифатида барибир яшаб қолади.*

*Номи зикр этилган тадбирнинг уюштирилишию унда икки юзга яқин хитойлик шоирнинг қатнашиши у ерда адабиётга, шеъриятга қандай эътибор берилаётганидан далолатдир. Афсуски, биз хитой шеъриятидан етарли даражада хабардор эмасмиз. Боз устига, хитой тилини билмаймиз. Мен Хитой ёзувчилар уюшмасига агар рус ёки инглиз тилларига таржима қилинган шеърлар бўлса, замонавий Хитой шоирларининг шеърларини ўзбекчага таржима қилишга тайёр эканимни билдирдим.*

*Тибетликлар учун тоғ муқаддас, улар ўз ибодатхоналарини энг юксак чўққиларга қуради ва ўша ерларда Будда, осмон ва заминга шукр этиб, ибодат қилади. Улар шеърни илоҳий деб билади. Чунки у тибетликларнинг донишманд ота-боболари билан илоҳлар ўртасидаги ўзаро мулоқот тили бўлган. Бу юқори даражада ривожланиб, иқтисодий, ижтимоий, маънавий юксакликларга интилаётган Хитой учун рамзий маънога ҳам эга.*

*Фестивал иштирокчиларига Чинҳай вилояти ҳукумати берган зиёфат чоғида Хитой ёзувчилар уюшмасининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи жаноб Лю: "Ҳозир эътибор қилинг, бу ерга Ўзбекистондан анча олдин келиб яшаб қолган салорлар рақсини кўрасиз", деб қолди. Шундан сўнг унга ўша элат вакилларидан бирортаси билан суҳбатлашмоқчи эканимни айтдим. Бир раққос йигит билан суҳбатлашганимда, у салор(салас)лар мусулмон эканини, ота-боболари бу ерга XIV асрда кўчиб келганини, айни пайтда уларнинг сони 70-90 минг атрофидалигини гапириб берди. Фестивал иштирокчилари шарафига Синин шаҳри телевидениеси биносида уюштирилган концерт чоғида эса салорлар бизга "Самарқанд" рақсини туҳфа этди. Хитойнинг узоқ бир вилоятида собиқ ватандошларимизнинг ҳали ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб, уларни асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга мерос қолдириб келаётгани одамни ҳайратга солади.*

**Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА**
**ёзиб олди**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,
Республика "Нуроний" жамғармаси,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва
"Маҳалла" хайрия жамғармаси

**"2007 йил — ижтимоий ҳимоя йили" ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб**

**"ФАХРИЙЛАР КУЙЛАГАНДА"**

**номли санъат байрамини ўтказади**

Санъат байрами 23 август куни соат 17.00 да Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг марказий эстрада саҳнасида бошланади.

*Ташкилий қўмита.*

**Зоминда ёз.**
***Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.***



## ТОЖМАҲАЛГА САЁҲАТ ЧЕКЛАНАДИ

Ҳиндистон археологлар бошқармаси машҳур меъморий иншоот Тожмаҳалга келувчи саёҳатчилар сонини чеклашга қарор қилди. Археологлар-



нинг фикрича, Бобур Мирзо авлодига мансуб Шоҳ Жаҳон суюкли ёри Мумтоз Маҳалга атаб қурдирган бу ноёб мажмуага ташриф буюрувчилар сони кескин камайтирилмаса, бир кун келиб унга саёҳатчилар жиддий зиён етказиши мумкин экан. Ёдгорликни зиёрат қилувчи миллионлаб одамлар иншоот йўлаклари ва галерея деворларига, безакларга ёзиб-чизиб хунук излар қолдириб кетишаркан. Бундай ножўя ҳаракатлар Тожмаҳалнинг ички ва ташқи кўринишига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, дейишмоқда мутахассислар.

Дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган Тожмаҳалга ўтган йили 2,5 миллион саёҳатчи ташриф буюрган бўлса, шу йилнинг олти ойи ичида уларнинг сони 1,5 миллионга етган.

## КИНОСТУДИЯ ЁНҒИН ИЧИДА

Римдаги машҳур ва тарихий Cinecitta киностудиясида кучли ёнғин содир бўлди. Ўт ўчирувчилар хизмати бошлиғи берган маълумотларга кўра, ёнғиннинг умумий майдони 4 минг кв. метрни ташкил этиб, аланга 40 метргача кўтарилган.

Техник носозликдан бошланган ёнғин аввал киностудия биносига ўтган, кейин эса энг қимматбаҳо сериал — "Рим" филми суратга олинган майдончадаги барча декорацияларни кулга айлантирган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

Италия кинематографияси тараққиётида Cinecitta киностудияси муҳим аҳамият касб этган. 1943 йили ташкил этилган мазкур киностудияда Витторио Де Сика, Лукио Висконти, Роберто Росселинг каби машҳур режиссёрларнинг афсонавий филмлари ёзиб олинган минглаб кино тасмалари сақланади.

## КИТОБДА БИТИЛГАН ЖИНОЯТ

Полшалик ёзувчи ва журналист Кришттиан Балага "Амок" номли романи учун айблов эълон қилиниб, унинг устидан суд иши бошланди.

Мамлакат полицияси фикрига кўра, 2003 йил нашр қилинган детектив бестселлер жанридаги бу китобда ҳаётда рўй берган бир қотиллик воқеаси айнан кўчириб ёзилган. Қизиғи шундаки, бу жиноятнинг бош ижрочиси ҳам айнан роман муаллифининг ўзидир. 2000 йили мамлакатда катта шов-шувларга сабаб бўлган реклама агентлиги директорининг қотили 33 ёшли ижодкор Криштиан Бала, дея ишонтиришга уринмоқда полициячилар.




Чунки агентлик директорининг ўлими билан боғлиқ тафсилотлар на матбуотда ва на телевидениеда ошкор қилинган эди. Китобда эса фақат терговчилар хабардор бўлган жиноят билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар икир-чикиригача батафсил баён қилинган.

Ёзувчи устидан қўзғатилган суд иши ҳали давом этмоқда. Айбловчи суддан Криштианни йигирма беш йилга озодликдан маҳрум қилишни сўрамоқда. Адвокатнинг айтишича, юқоридаги сабаблар ижодкорни қамоқ жазосига ҳукм қилиш учун етарли эмас.

## МАЙКЛ ЖЕКСОН ДАВОЛАНАДИМИ ЁКИ...

Поп қироли Майкл Жексон умрининг сўнгги кунларини яшамоқда, қўшиқчининг яқинлари унинг соғлигидан хавотирга тушишган, дея хабар беради "Аргументы и Факты" газетаси.

"Майкл сўнгги кунларда деярли ҳеч нарса емай қўйган. Тинимсиз қон йўқотмоқда, бунинг устига ўпкаси ҳам деярли ишдан чиққан", дейди қўшиқчининг синглиси Жанет Жексон.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда Майкл тез-тез ҳушини йўқотаётган экан. Докторларнинг айтишича, қўшиқчи бу аҳволда узоқ яшай олмайди.

Руҳий тушкунликка тушган қўшиқчини даволаш мумкинми, деган савол билан Майклнинг яқинлари унинг адвокат ва руҳшуноси Томас Мезерога мурожаат қилишган. Дарвоқе, баччабозликда айбланган қўшиқчини судда айнан Томас ҳимоя қилганди. Суд жараёни Майклни руҳан синдирган. Унинг соғлиги ёмонлашувига ҳам руҳий тушкунлик сабаб. Ўзи эса айни вақтда ачинарли аҳволда, дейди "АиФ" газетаси.



### Ғазетхон илҳоми

## ЛОЛА

**Сўзларидан ифор таратиб,**
**Дилга ишонч қадади кетди.**
**Ўзни баҳор дея танитиб,**
**Кузлар мени алдади кетди.**

**Вафоси йўқ экан лоланинг,**
**Уч кун ўтмай тўкилди-толди.**
**Кўзларимда қотган ноланинг,**
**Дили-жони ўкинди-қолди.**

**Маҳбуба ЭРМАТОВА**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти

**Берта ДАВИДОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси

**Ҳусан РЎЗИМАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Котибият — 136-56-50
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.45.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4018. Буюртма Г — 748. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН